2018 ЙИЛ 5 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 125 (13.722)

Баҳоси эркин нархда

ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН МАМЛАКАТ ЁШЛАРИНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль куни ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери, сиёсий партиялар раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳар бир ёш жамиятда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Хусусан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ёшлар билан ишлашда янги тизим ва ёндашувлар амалиётга жорий этилмоқда. Мамлакатимизда 30 июнь Ёшлар куни сифатида биринчи марта кенг нишонланди.

Аммо ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжуд. Жумладан, катта мақсадлар билан тузилган Ёшлар иттифоқи ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлашга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга етарлича эътибор бермаяпти. Ташкилот ўтказаётган айрим тадбирлар дабдабабозлик, ўзини "кўз-кўз" қилишга ўхшаб қолаяпти. Жойлардаги 4 сектор раҳбарларининг аксарияти ҳали ёшлар масаласи билан фаол шуғулланмаяпти. Ички ишлар идоралари, маҳалла қўмиталари, бошқа жамоатчилик ташкилотлари ва таълим муассасаларининг бу борадаги ишлари қониқарсиз. Туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари жонбозлик кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Аксинча, бу масъул лавозимлар айрим ҳолларда вакант бўлиб қолмоқда.

Бунинг оқибатида ёшлар жиноятга қўл уришининг олди олинмаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида содир этилган 17,5 минг жиноятнинг қарийб 31 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келиши бунинг тасдиғидир. Мамлакат бўйича жиноят содир этган 22 минг шахснинг 11 минг нафарини ёшлар ташкил этиб, бу кўрсаткич Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, айниқса, юқорилигича қолмоқда.

Қашқадарё вилоятида жиноят содир этган ёшларнинг 70 фоизини ўқимайдиган ва ишламайдиганлар ташкил этган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 57, Сурхондарё вилоятида 43, Жиззах вилоятида 42 фоизга тенг.

Афсуски, нафақат уюшмаган ёшлар, балки коллеж ва мактаб ўқувчилари орасида ҳам жиноятларни сезиларли даражада камайтириш таъминланмаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида жами 371 ўқувчи жиноят содир этган. Коллеж ўқувчилари жиноятлари сони Сирдарё, Жиззах, Наманган ва Самарқанд вилоятларида кескин ошган. Мактаб ўқувчилари жинояти асосан Жиззах, Навоий, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида вояга етмаганлар томонидан қотиллик жиноятлари содир этилгани янада аянчлидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида бошқа вилоятлардан келиб, қаровсиз ва назоратсиз юрган 1 минг 700 га яқин вояга етмаганлар аниқланган, уларнинг 500 нафари мактаб ва 670 нафари коллеж ўқувчиларидир.

Шу муносабат билан Ёшлар иттифоқи, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарларига ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш, қаровсизлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, улар ўртасида жиноятларни кескин қисқартиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Айни пайтда ички ишлар идораларида профилактика ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун ташкил этилаётган "Тарбия-спорт оромгоҳлари" ишини тубдан қайта кўриб чиқиш ва натижадорлигини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ёшлар ўртасидаги муаммолар, жумладан, жиноятчиликнинг илдизи аксар ҳолларда ишсизликка бориб тақалади. Жойларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида жиддий муаммолар мавжуд. 1 минг 700 дан зиёд меҳнат ярмаркаси ўтказилганига қарамай, уларда иштирок этган ёшларнинг атиги 5 фоизигина ишга жойлаштирилгани, сўнгги бир йилда 509 минг нафар ёшлар узоқ муддатга чет элларга чиқиб кетгани ишга масъулиятсиз ёндашувдан далолат беради.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Айни вақтда ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шароит яратиш, уларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислик ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш бўйича Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида янги тизим синовдан ўтказилмоқда. Бунинг учун мутасадди идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўзида акс эттирган туман паспортлари ишлаб чиқилди.

Қуйи Чирчиқ тумани мисолида олдиндан бўлсак, бу ерда ёшларнинг ҳисоботларда кўрсатилганидек 2,5 минги эмас, балки 6,3 мингдан зиёди ишсиз экани аниқланган. Туман ёшларини қийнаб келаётган муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилган. Ижтимоий-иқтисодий вазият ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигидан келиб чиққан ҳолда, тумандаги 37 та маҳалланинг 13 таси "оғир", 18 таси "қониқарсиз" ва 6 таси "қониқарли" тоифага ажратилиб, уларни босқичма-босқич "яхши" тоифасига ўтказиш бўйича манзилли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, "Ёшлар меҳнат гузарлари" ташкил этиш учун бино ва ер майдонлари ажратилди, бўш иш ўринлари ярмаркаси ва бошқа тадбирлар натижасида 1 минг 200 дан зиёд ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди, тадбиркорлик фаолияти учун ёшларга 2,3 миллиард сўм кредит ажратилди.

Ушбу тажриба асосида Ёшлар куни арафасида "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури тасдиқланди ва уни барча туман ва шаҳарларда амалга ошириш бошланди. Дастур ижроси учун Ёшлар иттифоқи ҳузурида "Ёшлар – келажагимиз" жамғармаси ҳамда унинг туман ва шаҳар филиаллари ташкил этилди. Бу тузилма маблағларидан ёшларнинг бизнес лойиҳалари учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит берилади. Дастурда ҳар бир туманда ажратиладиган кредит ҳажми ва уни олувчилар сони, кредит бериладиган фаолият йўналишлари, бунинг натижасида яратилиши зарур бўлган иш ўринлари миқдори аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳар бир фермерга биттадан банд бўлмаган ёшни бириктириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари муваффақиятга эришган ёш тадбиркорлар орасидан 2 ҳафта муддатда Жамғарманинг туман ва шаҳар филиаллари раҳбарларини тайинлаш, Инвестиция ва Ижтимоий масалалар комплексларининг республика ва ҳудудий органлари ҳамда тижорат банклари ходимларининг 30 фоизини лавозими ва иш ҳақини сақлаган ҳолда, янги тузилмага, унинг туман ва шаҳар филиалларига бириктириш лозимлигини таъкидлади.

Дастур ижросини самарали мувофиқлаштириб бориш учун Бош вазирга Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича республика комиссияси аъзоларини ҳар бир ҳудудга шахсан масъул этиб бириктириш ҳамда улар бошчилигида давлат идоралари, жамоат ташкилотлари раҳбар ходимлари ва вилоят прокурорларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлар ташкил этиш вазифаси топширилди.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар ҳафта камида икки кун уюшмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганиши, энг аввало, бандлигини таъминлаш чораларини кўриши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли оқимлар ва ёт ғоялар таъсиридан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун ёшлар билан маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, уларни музей, театр ва бошқа маданий-маънавий масканлар, спорт мусобақалари, илм-фан, спорт ва амалий санъат тўгаракларига фаол жалб этиш орқали бўш вақтини мазмунли ўтказишини ташкил этиш зарур.

Фарзанд тарбияси ва юриш-туришидан огоҳ бўлмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, кўзи меҳнатда қотмаса, муносиб иш топиб бермасак, уларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш қийин бўлади, деди Президентимиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган таъсирчан, амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда ушбу долзарб ишга сенаторлар, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатларини фаол жалб этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Зотан, халқ вакиллари сифатида депутатлар корпуси ёшлар келажаги учун ҳаммадан ҳам кўпроқ жон куйдириши лозим. Улар жойларда сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, амалий учрашув ва тадбирлар орқали мазкур Дастур ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши, ҳудудларда фаолият олиб борадиган ишчи гуруҳларга амалий ёрдам кўрсатиши зарур.

Вояга етмаган қизлар ўртасида эрта турмуш ва туғруқлар сони кўпайгани билан боғлиқ муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Афсуски, эрта турмуш қуриш ва ажрашиш муаммоси бўйича жойларда фақатгина ота-оналарни айбдор қилиш билан чекланиш ҳоллари кузатилмоқда. Аслида бўлар иш бўлганидан кейин эмас, балки салбий ҳолатларни юзага келтирмаслик учун олдиндан манзилли ишлаш тизимини жорий этиш керак.

Шу муносабат билан Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликларига бу йўналишдаги ишларни танқидий қайта кўриб чиқиш ва таъсирчан чора-тадбирларни белгилаш вазифаси топширилди.

Видеоселекторда мутасадди ва жойлардаги раҳбарлар жам бўлгани боис айни кунлардаги яна бир долзарб масала – ғўза парвариши билан боғлиқ чора-тадбирларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Бу йил об-ҳавонинг қуруқ ва салқин келиши сабабли ғўза ривожи 10-15 кунга, баъзи жойларда 20-25 кунга кечиккани қайд этилди. Ғўза парваришидаги қолоқликни бартараф этиш, кафолатланган ҳосил яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда 5 июлдан 5 сентябрга қадар "Ҳосилга-ҳосил кўшиш долзарб икки ойлиги" эълон қилинди. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2018 йил 5-6 июль кунлари Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этади.

Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистонга ташрифи доирасида икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

ЎзА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бугун аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида амалга оширилаётган маърифий тарғибот ишлари нечоғли самара бермоқда? Бундай тадбирларнинг қамровини кенгайтириш ва таъсирчанлигини янада ошириш учун нима қилиш керак? Жиззахда "Жаҳолатга қарши маърифат" мавзусида ўтказилган семинарда шу мавзуга дахлдор бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. Семинарда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари кўп ҳолларда таълим муассасалари билан чекланиб қолаётгани, энг муҳими, маъруза ва суҳбатларнинг таъсирчанлиги паст бўлаётгани таъкидланди.

• Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан Бахмал туманида ташкил этилган лойиҳа "Бир жамоа, бир мақсад, бир манзил" деб номланди. Тадбир доирасида "Баркамол авлод" болалар маркази, Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда амалий санъат ва ҳунармандлик йўналишидаги ижодий ишлари энг яхши деб топилган болалар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

• Хоразмда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган биринчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақада жаҳоннинг 14 давлатидан келган номдор полвонлар, шунингдек, мамлакатимиздан 114 нафар, жами 260 курашчи беллашди.

• "Навоий" эркин иқтисодий зонасида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари иштирокида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармалари масъул ходимлари экспорт-импорт билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун юртимизда яратилган қулайлик ва енгилликлар ҳақида маълумот берди.

ЖАҲОНДА

• Евроҳудудда 2008 йилдан буён ишсизликнинг пасайиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг май ойида ушбу кўрсаткич қитъа бўйича 8,4, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида эса 7 фоизни ташкил этди. Бу борадаги энг яхши натижа Чехияда — 2,7 фоиз ва Германияда — 3,4 фоиз қайд этилган бўлиб, охирги ўринларни Испания (15,8) ва Греция (20,1 фоиз) эгаллаб турибди.

• АҚШнинг Калифорния, Колорадо ва Юта штатларида ўрмон ёнғинларининг кучайиб бориши ва аҳоли яшаш пунктларига хавф туғдириши муносабати билан бир неча минг киши эвакуация қилинди.

• Польшанинг Гданск шаҳрида соҳадаги кўплаб етакчи мамлакатларнинг 140 дан ортиқ компаниялари иштирокида мудофаа саноати маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилмоқда. Бунда янги ракеталар, радиолокацион тизимлар, соҳага тааллуқли кийим-бошлар, бир сўз билан айтганда, мудофаа саноатига хос энг янги ишланмалар намойиш этилмоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда қўмита аъзолари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари, эксперт гуруҳи аъзолари, мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул раҳбар ва ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган вазифаларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида кенг муҳокама қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган ҳамда Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида кўриб чиқилаётган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам шулар жумласидан бўлиб, мазкур ҳужжат фуқароларнинг пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

(Давоми 3-бетда)

Президент ташрифидан сўнг

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 29 июнь куни Тошкент шаҳри ва пойтахт туманлари ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар иштирокида Олмазор туманида ўтказилган йиғилишда қатор долзарб масалалар бўйича аниқ вазифалар белгилаб, тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берган эди.

Олмазор тумани ҳокимлигида Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, ҳокимлик мутасаддилари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, имом-хатиблар, таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди, маҳаллалар фаолиятини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилди. Уларга маҳалла аҳли билан мулоқотга киришиш, ижобий тажрибани ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш вазифалари топширилди.

Сенаторлар томонидан туман Кенгаши билан алоқаларни мустаҳкамлаш, депутатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, депутатлик назоратини амалга ошириш бўйича амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга қаратилган бевосита мулоқотлар олиб борилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда, 58 маҳалла оқсоқолларининг аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш борасида қилинаётган ишлар, маҳаллалардаги камчиликлар ва муаммоларни ҳал қилиш йўллари, одамларнинг дунёқараши, бугунги ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини ошириш, сувдан оқилона фойдаланиш, тўйлар, оилавий тантаналарни ихчам, камхарж, ортиқча дабдабасиз ўтказиш бўйича фикр-мулоҳазалари матбуот ва телевидение орқали кенг ёритилмоқда.

Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш, янгиларини ташкил этиш, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш, жумладан, инвестиция ва технологиялар жалб қилиш, туман ҳудудида 15 минг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 4 та сектор кесимидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, Олмазор туманининг иқтисодий имкониятлари батафсил ўрганилиб, ишга солинмаган захиралар, хусусан, бўш турган бинолар инвентаризациядан ўтказилмоқда, улардан нима сабабдан фойдаланилмаётгани аниқланмоқда.

Маҳаллалардаги экологик вазият, ҳудуд тозалиги ва мавжуд сув тармоқларининг ҳолати билан ҳам яқиндан танишиб борилмоқда. Бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасадди тузилмалар ҳамда аҳолига зарур кўрсатма, таклиф ва тавсиялар берилмоқда.

Олмазор туманининг янги маркази – "Olmazor city"ни барпо этиш масаласи ҳам халқ вакилларининг диққат марказидадир.

Бир сўз билан айтганда, Олмазор туманида Президентимиз томонидан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун кенг жамоатчилик, депутатлар, сенаторлар бир ёқадан бош чиқариб амалий ишларни бошлаб юборди.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси

Одамларни рози қилиш – бош мақсадимиз

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

БУНИ БАРЧАМИЗ ДИЛДАН ҲИС ЭТАЙЛИК

ЯХШИЛИК ҚИЛГАНГА ЯХШИЛИК ҚАЙТАДИ

Маъмура АБДУРАҲМОНОВА,
"Шон-шуҳрат" МФЙ раиси:

– Маҳалламиз нисбатан кичикроқ бўлиб, 18 та кўп қаватли турар жойларда 1130 та оила бўлиб, уларда 3700 дан ортиқ кўп миллатли аҳоли яшайди.

1977 йилдан буён мана шу маҳаллада яшайман. 10 йилга яқин вақт давомида маҳаллада маслаҳатчи, бир йилдан буён маҳалла раиси лавозимида ишламоқдаман. Иш фаолиятимни оилаларни ўрганишдан бошлаганман. Бунинг учун сиз ҳам психолог, ҳам педагог, ҳам юрист бўлишингиз, инсонлар дардини тинглаб уларга ёрдам бериш чораларини қидиришингиз лозим. Шукрки, нотинч оилалар, вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликлар мактаб, масъул идоралар билан ҳамкорликда ўрганилиб, ўз ечимини топди. Мана шу эмасми ишимизнинг натижаси?

Маҳалламизда ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ривожланмаган. Бир тўйхона, бир новвойхона, бир дўкондан бошқа тадбиркорлик субъектлари йўқ. Шу боис ҳамкорлар топиб тадбиркорликни ривожлантириш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Саховатпеша инсонларимиз кўп. Жорий йил улар кўмагида 32 оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалламиздаги бир муҳтож оила фарзанди қўни-қўшни, маҳалла-кўй ёрдами билан уйлантирилди, ҳамма имкон топганича кўмак берди. Буни қарангки, келинимиз бинойидек тикувчи экан. Бугун у тўйига ёрдам берган оила фарзандларига тикиш-бичишни ўргатмоқда. Яхшиликка яхшилик қайтади, деб шуни айтса керак-да.

Ёки бошқа бир мисол. Маҳалладошларимиздан бири Президент виртуал қабулхонасига иш сўраб мурожаат қилибди, маоши 3 миллион сўмдан кам бўлмаслиги керак экан. Бу киши билан суҳбатлашганимизда маълумоти ўрта махсус, аввал ҳеч қаерда ишламагани маълум бўлди. Бунча маош учун инсон пешона терини тўкиб меҳнат қилиши, ишдан бўйин товламаслиги керак, кеча-кундуз ишлаб бундан ҳам кўп пул топаётганлар ҳам бор, десак тушунишни хоҳламайди, таклиф этилаётган ишларга маоши кам, дея киришни истамайди.

Афсуски баъзи инсонларда "Берсанг ейман, урсанг ўламан" қабилидаги фикрлаш тарзи ҳам йўқ эмас. Оилада 4-5 кишидан биттасигина ишлайди ва маҳалла идорасига ёрдам сўраб чиқади. Биз ҳам имкони борича уларга ёрдам қўлини чўзамиз, аммо инсонларнинг ўзи учун ўзи ҳам ҳаракат қилиши керак. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамаслиги аён-ку. Юртбошимиз ҳам "Ҳар бир оила – тадбиркор" тамойилини ҳаётимизга татбиқ этаётгани бежиз эмас.

Ҳозирда маҳалла аҳли учун замонавий маҳалла идораси қурилмоқда ва унда болаларимиз учун кичикроқ бўлса-да кутубхона ташкил этмоқчимиз. Қисқаси, ниятларимиз эзгу, режаларимиз бисёр, вазифаларимиз аниқ.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Шерзод МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Олмазор туман кенгаши раиси:

– Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда ёшларимиз иқболига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда, бунга жавобан ёшларимиз ҳам ҳар бир соҳада жонбозлик кўрсатмоқда. Фан, таълим, санъат ва бошқа соҳаларда жаҳон миқёсида юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Мамлакатимизда биринчи бор 30 июнь Ёшлар куни сифатида кенг нишонланди. Бу ҳам ёшларга қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг ифодасидир.

Куни кеча бўлиб ўтган ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳам ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли оқимлар ва ёт ғоялар таъсиридан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун ёшлар билан маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, уларни музей, театр ва бошқа маданий-маънавий масканлар, спорт мусобақалари, илм-фан, спорт ва амалий санъат тўгаракларига фаол жалб этиш орқали бўш вақтини мазмунли ўтказишини ташкил этиш зарур, дея таъкидлади Президентимиз.

Бундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда биз, ёшлар ҳам маънавий баркамолликни юксалтиришга, илм-фан чўққиларини эгаллаш учун билим ва малакамизни муттасил оширишга доимий эътибор қаратишимиз зарур. Доимо ўз устимизда ишлашимиз керак. Зеро, юксак манавиятли ва билимли ёшлар юрт равнақида муҳим аҳамият касб этади.

МАШМАШАСИ ҲАМ ЖОНГА ТЕГДИ...

Зафар ШОНАЗАРОВ,
"Беруний" МФЙ раиси:

– Маҳалладаги тўйларни ихчамлаштириш, аввало, маҳалла раислари, фаоллар, оқсоқол ва кайвонилар олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Ҳозирда тўйларга 400-500 одам чақиришади. Уни кўрган ўрта-ҳол оилалар ҳам улардан кам бўлгиси келмайди. Қарабсизки, қўни-қўшниси, қариндош-уруғидан қарз олишгача боради. Маълум миқдорда олинган қарз ёки ёрдам вақти келиб эгасига қайтарилиши керак. Тўй қилган оиланинг тайинли иши, тадбиркорлиги бўлса қийналмаслиги мумкин. Бунга имкони бўлмаса, албатта, оилада ўзаро муаммолар келиб чиқади. Бир кунлик тўй ўтади. Лекин унинг машмашаси қариндош-уруғ, қудаанда ва янги оила қурган ёшлар ўртасида кўнгилдан кетмас низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Қуръони каримда ҳам "Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар" дейилган. Мана шу исрофгарчилик нималарга олиб келишини аҳолига тушунтиришимиз керак. Катта тўй ўтказишга қурби етадиган ўзига тўқ маҳалладошларимиз кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга ёрдам қилишса яхши бўларди.

Яқинда олдимга ёши улуғ бир маҳалладошимиз келиб "Набирамни уйлантирмоқчимиз, тўй-маъракалар ҳақида ҳар хил гаплар эшитаяпмиз, шунинг учун сиз билан маслаҳат қилмоқчиман", деб қолди. Мен маҳалламиздаги аҳволни тушунтирдим. Атрофимиздаги 50-60 қўни-қўшнимиз, ўзларининг қариндош-уруғлари ва қуда томон билан 200 га яқин одамга эрталаб ош берайлик, кечқурун йиғилиб 150 кишига тўй оқшомини ўтказиб берсак, нима дейсиз? Агар бундан ташқари маблағингиз бўлса маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга ёрдам берайлик дегандим, отахонга маъқул бўлди. Биринчи ишимизни шундан бошладик. Шундан сўнг яна 6 шундай ихчам ва файзли тўйни бамаслаҳат ўтказдик.

ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТАЯПМИЗ

Убайдулла АТАЕВ,
"Аллон" МФЙ раиси:

– Президентимиз туманимизга ташриф буюрганда бу ерда ишламаётган заводларни тиклаш, янги корхоналар ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан одамларга даромад манбаини яратиш зарурлигини қайд этдилар. Шунингдек, туманда 15 мингта иш ўрнини ташкил этиш бўйича топшириқ бердилар. Шу бўйича ишларни бошлаб юбордик. Қаровсиз қолдирилган, ҳозирги кунда ҳеч ким ишламайдиган корхоналарни қайта таъмирлаб, иш ўринлари яратиш ниятидамиз. Туманимиз аҳолиси, ёшларимиз ва хорижга ишлаш учун кетган фуқароларимизни чақириб, ушбу корхоналарга ишлаш учун жалб қиламиз.

Маҳалламизда 5 мингдан зиёд фуқаро бор. Ҳозирда уларнинг 78 нафари чет элда. Улардан 22 нафари ўқиш учун кетган. Чет элда ишлаб юрганларнинг хонадонларига кириб ўрганамиз. Уларнинг ота-оналари, умр йўлдоши ёки бошқа қариндошларига чет элдаги яқинлари билан телефон ёки интернет орқали мулоқотда бўлганларида мамлакатимиздаги ислоҳотлар ҳақида сўзлаб, мусофир юртларда топадиган пулларини бу ерда ҳам топиш имкони борлигини тушунтиришини айтамиз. Ҳозирда чет элдан қайтган маҳалладошларимиз ва маҳалладаги ишсиз фуқароларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш билан таъминладик. Улар соҳаси бўйича ишлаб бир ярим миллиондан уч миллионгача ойлик олмоқда. Ўз соҳасини яхши билган ёшларимиз ота-онаси, оиласи бағрида ўша чет элда топадиган маблағчалик пул топишни уддаламоқда.

ТОПШИРИҚЛАРНИНГ ИЖРОСИ ТЎЛИҚ НАЗОРАТГА ОЛИНГАН

Зайниддин АБРОРОВ,
"12-трест" акциядорлик жамиятининг хўжалик ҳисобидаги механизациялашган бошқармаси бошлиғи, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Олмазор туман Кенгаши депутати:

— Барчамизга яхши маълум, юртимизда илк бор туман Кенгаши депутатлари сайланиб, ўз фаолиятини бошлади. Бу албатта ҳудудларни ривожлантириш ва обод этиш, жойларда ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин тутади.

Мен ҳам Олмазор туман Кенгаши депутати сифатида ўтган қисқа вақт ичида ўзимга бириктирилган ҳудудда муайян ишларни амалга оширишга ҳаракат қилдим. Жумладан, "Гуручариқ" маҳалласи фаолларининг мурожаатига асосан "Олмазормахсустранс" автотранспорт корхонаси томонидан Кичик ҳалқа йўлида жойлашган чиқинди солиш қутиларини кўп қаватли уй олдига кўчириш амалга оширилди. "Қорасарой" маҳалласи ҳудуди, Файзибаланд кўчаси, 159-мактаб атрофидаги гаражлар олиб ташланган ҳудудда 4 та оғир техника воситалари жалб қилингани ҳолда ҳашар ўтказилиб, тўлиқ тозаланди. Учта болалар майдончаси бўёқдан чиқарилиб, дарахтлар оқланди. Шунингдек, 28-сонли мактабда ўтказилган фуқаролар билан учрашувда "Гуручариқ" ва "Қорасарой" МФЙ фаоллари ва маҳалла аҳлидан келиб тушган шикоятга биноан, туман ҳокимлиги, "Тошшаҳарнур" ДУК Олмазор тумани ташқи ёритиш тармоқлари корхонаси, "Олмазор-Махсустранс" автотранспорт корхонаси, туман ободонлаштириш бошқармаси, туман электр тармоқлари корхонасига мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан депутатлик сўровлари юборилди.

Албатта, ҳудуддаги муаммо ва камчиликларнинг ечимини топиш борасидаги ишларни давом эттирамиз.

Олмазор туманидаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан бешта муҳим йўналиш бўйича берилган топшириқларни бажариш мақсадида Олмазор туман ҳокимлигида Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлиги бошқармалари бошлиқлари, туман Кенгаши депутатлари, журналистлар, маҳалла оқсоқоллари, ўрта мактаб ва мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчиларига Президентимиз маърузаларидан келиб чиққан ҳолда, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, маҳаллалар ҳудудида ўрганишлар ҳамда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш бўйича таклифлар бериш топшириқлари юкланди.

Бугунги кунда Олмазор туманидаги фаоллар томонидан юқорида қайд этилган топшириқларни бажариш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда ва уларнинг ижроси тўлиқ назоратга олинган.

ДЕПУТАТ ТОМОШАБИН БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Раъно ХОДЖИМУҲАМЕДОВА,
"Shifo-Nur-Servis" хусусий фирмаси қошидаги "G`uncha Med" клиникаси раҳбари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Олмазор туман Кенгаши депутати:

— Юртимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига қаратилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорларга берилаётган имконият ва имтиёзлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш учун ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларга яратилаётган шарт-шароитларни ҳаётимизда кўриб турибмиз. Ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Инсон омили юксалиб бормоқда. Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак деган ғоя асосида ишлар ташкил этиляпти. Энг муҳими амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Президентимизнинг Олмазор туманидаги ташрифи давомида берилган топшириқлари масъулият билан бажариш O'zLiDeP ҳудудий Кенгашлари ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Биз депутатлар қанчалик масъулиятли, фаол, ташаббускор ва жонкуяр бўлсак, кўзланган мақсадларга шунча тез эришамиз. Шундай экан, ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, партия электорати бўлган тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда масъулият билан иш олиб бориши лозим бўлади. Шунингдек, жойлардаги аниқланган муаммоларнинг ечимини топиш, мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижросини таъминлаш, қулай инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини яратиш ва бошқа долзарб масалалар устидан назорат ўрнатиш ишларида фаоллик кўрсатиши лозим.

БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИ БИЗГА ЁТ

Фатхулла СОБИТОВ,
"Зарбўёқ" оилавий корхонаси раҳбари:

— Сўнгги икки йил давомида мамлакатимизда хусусий тадбиркорларга яратилаётган барча енгилликлардан жуда мамнунман. Бу борада ҳуқуқий ва институционал соҳаларда бўлаётган ўзгаришларни яқиндан кузатиб бормоқдаман.

Мен ҳам ёш тадбиркорман. Куни кеча Тошкент Давлат кимё-технология институтини бакалавриат йўналиши бўйича тамомладим. Кундан-кунга очиқлик ва эркинлик эшикларини очаётган жамиятимиз аъзолари давлатимиз раҳбари томонидан доим таъкидлаб ўтилаётган тўғрилик ва ҳалоллик йўлидан боришса нур устига нур бўлади. Бунда тадбиркорликка оид ҳуқуқий саводхонликни ҳамма ўз устида доим ишлаб ошириб бориши лозим. Бир томондан тадбиркорлар солиқларни белгиланган тартибда тўлаб боришса ва ўз навбатида ишбилармонларга нисбатан соғин ўлжа сифатидаги муносабат тамомила ижобий томон сари ўзгарса барча учун катта кони фойда бўлади.

Янги давр тадбиркори – бу боқимандалик кайфияти ёт бўлган жамиятимизнинг мустақил, фаол ва серғайрат аъзосидир. Бу каби замонамиз келажагига дахлдор инсонлар учун яна кўплаб тилсим эшикларини очиш фурсати етди.

ИСЛОҲОТЛАРДАН БАРЧАМИЗ МИННАТДОРМИЗ

Саноат АБДУВАЛИЕВА,
"Чилтўғон" МФЙ раиси:

– Туманимизда 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. "Обод маҳалла" дастурининг жорий этилиши одамларимизнинг дунёқараши, бугунги ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини оширишга хизмат қилади. Маҳалламиз аҳолисининг 30 фоизини ёшлар ташкил этади. Ҳозирги кунда ёшларимиз бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Маҳалламиз аҳолисининг кўпчилиги ҳунармандчилик билан шуғулланади. Бугун аҳоли оила бюджетини шакллантириш, яшаш шароитларини яхшилаш учун уларга давлатимиз томонидан бир талай имкониятлар яратиляпти. Жумладан, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурининг жорий этилиши халқ манфаатининг таъминланишига хизмат қилишига ишонамиз.

Маҳалламизда истиқомат қилаётган кексаларимиз яшаш жойларини обод масканга айлантириш мақсадида олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларидан бениҳоя миннатдор.

ДАБДАБАБОЗЛИКДАН АҲОЛИ ЧАРЧАГАН

Озодахон СУЛАЙМОНОВА,
"Чукурсой" МФЙ раиси:

– Беш йилдан буён маҳалла аҳлига бошчилик қилиб келмоқдаман. Дастлаб маҳалла раиси қилиб сайланганимда ўз олдимга маҳалламиздаги энг қаровсиз, ташландиқ ҳудудни обод қилиш мақсадини қўйганман. Тинимсиз ҳаракатларимиз, мутасаддилар ёрдами билан мана шу ташландиқ жой ўрнида замонавий, гўзал кўп қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Аввал туман бандликка кўмаклашиш марказида 13 йилдан ортиқ вақт давомида ишлаганим боис, ишсизлик муаммосини ҳал этиш ишига қаттиқ бел боғлаганман. Юртбошимиз ҳам ташрифлари давомида аҳолини иш билан таъминлаш масаласи энг асосий вазифа эканини таъкидлади. Афсуски, маҳалламизда ишлаб чиқариш муассасалари жуда кам. Шу сабаб ўзим шахсий ташаббус кўрсатиб маҳалла идорасида тикув цехи ташкил этишга киришдим. Ҳозирда ҳамкор фирма билан келишиб 30 та тикув машинаси келтирганмиз. Бу хотин-қизларимизни иш билан таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади. Қисқа қилиб айтганда, ҳаётимиз яхшиланиши учун ўзимиз ҳаракат қилмасак, бизга биров четдан келиб ёрдам бермайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали турли рекламаларнинг берилиши, тушунтириш, тарғибот ишларининг олиб борилаётгани аҳолининг қарздорлик маблағларини ундириш борасида қийинчиликларни камайтирмоқда, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошмоқда.

Авваллари аҳоли вакиллари маълумотнома ёки тавсиянома керак бўлсагина маҳаллага чиқарди. Ҳозирги кунда эса умра зиёратига кетаётганлар, тўй-ҳашам қилиш истагида бўлганлар ёки хусусий бизнесини йўлга қўйиш учун кредит олмоқчи бўлганлар, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳам тез-тез маҳаллага мурожаат қилади. Тўй-ҳашамлар, оилавий тадбирларни ихчамлаштириш, маълум бир тартибга солиш тўғрисидаги қарорни халқ интиқлик билан кутмоқда. Чунки бу масалани қонун билан қатъий чекламаса, ким ўзарга тўй қилишга ўрганиб қолган баъзи инсонлар барибир ўз билганидан қолмайди. Дабдабабозликдан аҳоли кўпчилиги чарчаган эди. Бунинг ўрнига ёшларнинг келгуси ҳаётини йўлга қўйишига ёрдамлашганимиз маъқул.

Аҳолининг кўпчилик қисмида асосий муаммо уй-жой билан таъминланмаганлик. Шукрки, ҳозирда давлатимиз томонидан кўплаб имтиёзлар яратилмоқда. Бизнинг маҳалламизда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларимиздан 3 нафарига имтиёзли уй-жойлар ажратилди. Бугун уларнинг қувончи чексиз.

Ҳали олдинда қилиниши лозим бўлган ишларимиз бисёр. Энг асосий мақсадимиз аҳоли турмуш даражаси яхшиланишига эришиш.

ЎзА ва ўз мухбирларимиз.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2017 йил 28 декабрдаги меҳнат фаолиятини амалга оширувчи айрим алоҳида тоифадаги пенсионерларга мақбул шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси алоҳида тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзли пенсиялар тайинлаш, шунингдек, пенсиялар тўғри тайинланганлиги ва тўланиши борасида ўтказилаётган текширишлар натижасига кўра, аниқланган ортиқча тўловларни пенсиялардан ушлаб қолиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Йиғилишда қўмита томонидан иккинчи ўқишга тайёрланаётган қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан сиёсий партиялар фракциялари вакиллари қатор таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, мунозаралар вақтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан қонун лойиҳаси партия дастурий мақсад ва вазифаларига тўла мос келиши, шунингдек, давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ҳамоҳанглиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари мазкур қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ алоҳида тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш белгиланганлигини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини маълум қилдилар.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзолари қонун лойиҳасининг айрим нормаларига эътироз билдириб, унинг моддаларига киритилаётган қўшимчалар асослантирилмаганини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, имтиёзли пенсияга чиқишга эга бўлган алоҳида шахсларнинг рўйхати ҳукуматнинг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ амалга оширилиши тўғрисидаги қоидалар ҳаволаки нормаларда баён этилгани, уларни айнан мана шу қонун лойиҳасида акс эттириш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келажакда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳам ижтимоий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши, шу боис, унинг нормаларида акс эттирилаётган имтиёзлар ҳаётийлигини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда қўмитада иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашни назарда тутувчи яна иккита қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Қизғин баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтган йиғилиш сўнгида муҳокама қилинган қонун лойиҳалари юзасидан фракциялар ва депутатлар бирлашмалари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қўмита томонидан уларни мутахассислар билан биргаликда яна бир бор кўриб чиқиш белгилаб олинди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

2-Тошкент юридик коллежини мазкур йили 860 нафар ўқувчи битирмоқда. Шу муносабат билан коллежда ўқувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, 2 - юридик коллежи пойтахтимизда юридик кадрлар етиштиришга ихтисослаштирилган етакчи ўқув даргоҳларидан биридир. Зиё масканида икки йўналишда 2,5 мингга яқин ўқувчи таҳсил олади.

— Битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида доимий ишлар олиб борилмоқда, — дейди 2-Тошкент юридик коллежининг касбий таълим бўйича директор ўринбосари А.Тошқулов. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Олий суд билан ҳамкорлик шартномамиз бор. Бундан ташқари 450 дан ортиқ корхоналар билан 4 томонлама шартномалар тузганмиз. Мана бугун Давлат аттестация имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчиларга диплом топширилмоқда.

— Ушбу коллежда уч йил ўқиб, ҳуқуқ соҳасидаги билимларимизни мустаҳкамладик, — дейди битирувчилардан бири Назокат Аҳмаджонова, — бугун жуда ҳам хурсандман, ҳаяжондаман. Бунинг учун бизга таълим берган устозларимизга самимий миннатдорлигимни изҳор қиламан. Диплом олишимиз бизнинг катта ҳаётга қадам қўйишимиз дегани. Келгусида олий ўқув юртида ўқишни давом эттирмоқчиман. Жонажон Ўзбекистонимга астойдил хизмат қиламан.

Шу куни барча битирувчиларга диплом топширилди. Ўқувчилар мамнун ҳолда уларга таълим берган ўқитувчиларига раҳматлар айтишди.

Умар ҲАЗРАТОВ

Фармон ва ижро

ОНЛАЙН НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАСИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бугунги кунда назорат-касса машиналари савдо ва барча тоифадаги хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолият юритишида зарур восита ҳисобланади.
Президентимизнинг 2017 йил 29 сентябрдаги "Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу йўналишдаги ишлар сифатини янада юксалтириш, ҳисоб-китобни тезкор амалга ошириш ва тизим назорат функциясини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини камайтириш, нақд пул тушумларини банк кассаларига топширмасдан яшириш мақсадида харидорларга назорат-касса машинаси чекини бермаслик, уни атайин носоз ҳолатга келтириш, фискал хотирадаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, назорат-касса машиналарини йўқотиш орқали бажарилган товар айланмалари тўғрисидаги маълумотларни сохталаштириш каби ҳолатлар ҳамон кузатилмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий қилиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш солиқ тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги "Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этади. Унга мувофиқ, 2018 йилнинг январидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн назорат-касса машиналарини тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этиш кўрсатилган. 2018 йилнинг 1 июлидан ушбу ҳудудлардаги юридик шахслар, 2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб эса барча юридик ва жисмоний шахсларнинг товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн назорат-касса машиналарини қўллаган ҳолда амалга оширишга босқичма-босқич ўтказилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, 2018 йилнинг 1 июлига қадар лойиҳани молиялаштириш бўйича таклифлар киритилиши лозим. 2018 йилнинг 1 августига қадар лойиҳанинг техник топшириқлари ва техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш таъминланади. 2018 йил 1 ноябрга қадар Тошкент шаҳрида бюджет маблағлари ҳисобидан онлайн назорат-касса машиналарини жорий қилиш ва ишга тушириш таъминланади.

Бугунги кунда мазкур йўналишда Тошкент шаҳрида 135 та онлайн назорат-касса машиналари тажриба-синов тариқасида савдо объектларига ўрнатилиб, уларнинг ишлаш фаолияти ўрганилмоқда. Онлайн назорат-касса машиналаридан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва Давлат солиқ қўмитасига узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилади.

Олиб борилаётган ишлар натижасида касса чекидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига автоматик тарзда онлайн узатиб бориш тизими йўлга қўйилади. Натижада республикада марказлашган тарзда электрон маълумотлар базаси яратилади ва назорат-касса машиналаридан фойдаланмаётган савдо шохобчалари онлайн аниқланиб, тезкор чоралар кўриш имкониятини яратади.

Шунингдек, онлайн назорат-касса машинаси орқали харидорларга берилган чеклар ҳақидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, тушум суммасини камайтириш, рўйхатдан ўтмаган назорат-касса машинасидан фойдаланиш, бузиш ёки иккиламчи бухгалтерия юритиш каби салбий ҳолатларга чек қўйилади. Бундан ташқари, назорат-касса машиналарининг касса чекларидаги рақамлар уникал (такрорланмайдиган) бўлганлиги сабабли уларни сохталаштиришнинг олди олинади. Қолаверса, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатилиб, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишнинг янги босқичга кўтарилиши таъминланади. Тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми билан боғлиқ фаолиятига аралашиш ҳамда турли назорат тадбирлари ўтказилиши эса камаяди.

Энг муҳими, бундай янгиланишлар иқтисодиётимиз барқарорлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги ва манфаатлари ҳимоясиланишига хизмат қилади.

Аловиддин ИНАГАМОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари в.в.б

"Обод маҳалла" дастури — амалда

"ОЛМА ПИШ, ОҒЗИМГА ТУШ" ДЕГАНИ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

"Обод маҳалла" дастури доирасидаги хайрли ишлар бугун бутун пойтахтимиз бўйлаб қулоч ёзган. Эътибордан четда қолган гўшаларни, дилни хира қилувчи манзаралардан кишининг кайфияти бузилса, республика ишчи гуруҳи томонидан уларни ҳал этиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 212-уй, 3-хонадонда Меҳрибонлик уйида тарбияланган Николай Бегумков ва турмуш ўртоғи Светлана Именянова икки нафар фарзанди билан яшаб келишади. Умумий майдони 0,9 сотих бўлган мазкур уй авария ҳолатида. Иситиш тизими ишламаслигидан қиш бўйи азият чеккан оилага қайишадиган одам йўқ.

Туманнинг "Аҳиллик" маҳалласида жойлашган 62-уй, 8-хонадонда бошидан оғир синовларни ўтказаётган 7 нафар инсон истиқомат қилади. Лайло Жумабоева 2-гуруҳ, турмуш ўртоғи эса 1-гуруҳ ногирони. Эри юра олмагани сабабли икки йилдан бери оиланинг шароити кундан кунга оғирлашиб бормоқда. Икки нафар фарзанди, руҳий хаста онаси, бу ҳам камлик қилгандек ногирон опаларининг парвариши аёлнинг ёлғиз ўзига мушкуллик туғдираяпти. Бу оила ижтимоий қўллаб-қувватловга ва уй-жойга муҳтож.

Шукур Бурҳонов номли маҳаллада жойлашган умумий майдони 3,4 гектар бўлган "Гулшан" номли маданият ва истироҳат боғи ҳозирда қаровсизликдан абгор аҳволга келган. Бу ерда яроқсиз аттракционлар, қуриган дарахту фойдаланилмайдиган қурилмаларни учратиш мумкин. Наҳотки туман марказида жойлашган шундай соя-салқин ҳудуддан унумли фойдаланиш ҳеч кимга керак бўлмаса?

Республика ишчи гуруҳининг Миробод туманидаги ўрганишлари ҳам давом этмоқда. Туманнинг "Парвона" маҳалласи, Мунис кўчаси, 20-уйда истиқомат қилаётган Акром Мамадалиевнинг хонадонидаги мавжуд вазият теварак-атрофдагиларнинг ҳаловатига салбий таъсир кўрсатаяпти. Шаҳарнинг қоқ ўртасида, аҳоли тиғиз яшайдиган маҳаллада парранда боқилаётган бу ҳовлидаги пала-партиш аҳволдан кишининг дили оғрийди.

"Баротхўжа" маҳалла фуқаролар йиғини, Мунис 1-тор кўчаси, 34-уйда яшовчи Владимир Субаткин ароқхўрликка муккасидан кетган. Қолаверса, уйга нисбатан мерос масаласида уй эгаси ва қариндоши ўртасида келиб чиққан низо ҳам давом этяпти.

Сергели тумани, "Зиёкор" маҳалласи, 10-уй, 127-хонадонда яшовчи Лидия Ким руҳий хаста. Уйига чиқиндиларни ташиб келтириш дардига йўлиққан. Шунинг оқибатида уй нақ чиқинди тўплаш шохобчасига айланган. Бу хонадонда 2015 йилда ёнғин содир бўлган. Аҳвол бугун ҳам жуда ёмон ҳолатда. Қарздорлиги юқори бўлганлиги учун квартира сув, газ ва электр тармоғидан узиб қўйилганлиги туфайли атрофни қўланса ҳид тутиб кетган. Ишчи гуруҳи ўрганишларидан сўнг бу борадаги муаммоларни бартараф қилишга киришилди.

"Обод маҳалла" дастури юзасида ишчи гуруҳ томонидан ўрганилган муаммо ва камчиликларнинг айримлари ҳамон ечимини топгани йўқ. Масалан, Яшнобод тумани, Алимкент маҳалласидаги симёғочлар ўз ҳолича турибди. Улар ҳар қачон ағдарилиб тушиши мумкин. Қуриган дарахтлар кесилмаган. Олиб ташланиши лозим бўлган гаражлар бир қанча жойни эгаллаб ётибди.

Халқимиз азалдан кўпчилик фойдаланувчи йўлни элнинг ҳақи деб билган ва уни тўсишни ҳамда ўзининг ихтиёрига киритиб олишни хаёлига ҳам келтирмаган. Минг афсуски, бугун пойтахтимизнинг айрим маҳаллаларида бунинг тескарисига гувоҳ бўлиш мумкин. Мисол учун Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси бўйидаги ҳашаматли "Пандор" ресторанининг кабобхонаси ва сомсахонаси пиёдалар учун қўшимча йўлакнинг нақ устига қурилган. Ушбу ноқонуний қурилмаларни зудлик билан бартараф этиш бўйича ресторан раҳбариятига кўрсатмалар берилди.

Юнусобод туманидаги "Боғишамол" маҳалласида ишчи гуруҳ томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлар бошлаб юборилган. Айни пайтда ҳудудни ободонлаштириш ишларига юзлаб ҳашарчилар жалб этилган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида кўп қаватли уйларнинг автомобиль турар жойларига бетон қоплама ётқизиш ишлари, кичкинтойларнинг вақтини унумли ўтказишлари учун болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари қурилиши ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Маҳаллада таъмирга муҳтож ички йўлларни яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Айни дамда ушбу йўлакларга махсус техникалар ёрдамида 10-15 сантиметр қалинликда бетон қопламалар ётқизилмоқда. Том қисмида муаммоси бор уйларнинг шиферларини янгилаш чоралари кўриляпти. Уйларнинг фасад қисмини тартибга келтириш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Юнусобод туманининг Ҳасанбой ва Барака кўчалари туташган чорраҳага светофор ўрнатилди.

Туманнинг 13-мавзесида жойлашган "Янги боғ" маҳалласида инновацион технологиядан фойдаланган ҳолда пойтахтда илк бор ер ости чиқинди йиғиш шохобчаси ўрнатилибди. Қулай, хавфсиз, ихчам. Навоий шаҳрида қўлланилган технология асосида яратилган бундай замонавий чиқинди йиғиш шохобчаларидан яна 8 тасини "Янги боғ" ва Юнус ота маҳаллаларида ўрнатилиши мўлжалланган.

Бизнинг ҳамшаҳарларимизга айтадиган гапимиз шуки, аввало ободликни ўзимиздан бошлашимиз керак. Акс ҳолда шунча қилаётган хайрли ишларимиз самарасиз бўлиб қолаверади... Зеро, "Олма пиш, оғзимга туш" дегани билан ишимиз сира унмайди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ушбу хунук манзаралар дилни хира қилади

ИККИТА ЎЙИНДА ЧЕМПИОНЛИККА ЛОЙИҚ ЖАМОАЛАР МАЙДОНГА ТУШАДИ

Нимчорак финалнинг сўнгги икки учрашуви ҳам анча муросасиз ўтди.

FIFA WORLD CUP RUSSIA 2018

Швеция — Швейцария баҳсида мутахассислар томонидан таркибида Жемаили, Шакири, Родригес каби етакчи чарм тўп усталари бўлган Швейцария терма жамоасининг кучи юқорироқ баҳоланганди. Бироқ майдонда деярли тенг кураш кечди. Баъзан шведларнинг бир оз устунлиги сезилиб турди. Хавфли вазиятлар унчалик кўп бўлмаган мазкур ўйинда 66-дақиқада швециялик Форсбергнинг кучли зарбаси ҳимоячига теккани ҳолда йўналишини ўзгартириб тўрга тушди ва ушбу гол ягоналигича қолди. Кўпчилик хавфсираган бўлса-да, машҳур ҳужумчи, чиройли ва бетакрор голлар устаси Златан Ибрагимовичсиз ҳам Швеция терма жамоаси чорак финалга чиқишга муваффақ бўлди.

Англия — Колумбия беллашувида инглизлар кўпроқ ҳужум уюштиришган бўлса-да, уларнинг ҳам, қарши ҳужумларга таянган Колумбия термасининг ҳам ўйинчилари аниқ зарба беришга келганда анча оқсадилар. Фақат биринчи бўлимда Англия терма жамоаси сардори Гарри Кейннинг боши билан берган зарбаси дарвоза тўсини устидаги тўрга тушгани ёдда қолди. Иккинчи тайм бошларида пенальтидан Г.Кейн ўзининг учинчи ўйиндаги олтинчи голини киритгани ҳолда ҳисобни очди. Фақат қўшимча вақтдагина ҳужумкор ҳимоячи Ерри Минанинг жавоб тўпи 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани юзага келтирди.

11 метрликлар сериясида инглизлар дарвозабони Пикфорд Карлос Баккани-нинг зарбасини қайтарганидан сўнг "лотерея"да Англия терма жамоасининг 4:3 ҳисобидаги ғалабаси қайд этилди. Бу гал ҳам чемпионатнинг кўпгина ўйинларида бўлгани каби етакчи деб ҳисобланаётган жамоа негадир яна ўзини кўрсата олмади.

Шундай қилиб, ўтказилган барча учрашувлар натижаларига кўра, Франция — Уругвай, Россия — Хорватия, Бразилия — Бельгия ҳамда Швеция — Англия терма жамоалари жаҳоннинг кучли саккизлигига кирганлари ҳолда чорак финалда ўзаро баҳс юритадилар.

Бундан кўринадики, иккита ўйинда нисбатан заиф жамоалар ярим финалга чиқиш учун беллашса, Франция ва Уругвай, Бразилия ва Бельгия учрашувларида чемпионликка лойиқ жамоалар ўзаро куч синашади. Россиянинг чорак финалчилар таркибидан ўрин олиши ҳозирча чемпионатнинг энг катта шовшувларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ёзнинг иссиқ кунларида пойтахтимиздаги мактабларда ташкил этилган кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари, спорт соғломлаштириш майдончаларида болажонлар мароқли дам олмоқдалар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод туман Кенгаши томонидан тумандаги 147-ўрта умумтаълим мактабидаги "Қуёшжон" номли ёзги спорт соғломлаштириш майдончасидаги ўқувчилар ўртасида шахмат ва шашка бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди.

Қизиқарли баҳсларга бой бўлган мусобақаларда ғолиблар ва совриндорлар аниқланди. Шашка бўйича ҳис-ҳаяжонга бой тарзда кечган баҳсларда 4-"Б" синф ўқувчиси Мубина Қурбонбоева ҳамда шахмат бўйича ўтказилган мусобақада 5-"А" синф ўқувчиси Зебо Кенжаева зафар қозониб, биринчи ўринни эгалладилар.

Ғолиблар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод туман Кенгашининг 1-даражали дипломи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли, мароқли ўтказиш мақсадида спортга муҳаббат руҳида, эзгуликка чорловчи ушбу спорт тадбири иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

ЁШЛАР ВЕЛОМАРАФОНИ

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Чилонзор туман маҳаллий Кенгаши ташаббуси билан Ёшлар иттифоқи ташкил топган кун муносабати билан ёшлар ўртасида экологик тоза транспорт турини тарғиб қилиш мақсадида "Ёшлар веломарафони" уюштирилди.

"Ёшлар веломарафони" умумий белгиланган масофа узунлиги 3330 метр бўлиб, унда 6 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўқувчи ва талабалар иштирок этишди.

Ёшлар иттифоқи Чилонзор тумани маҳаллий Кенгаши раиси Б.Зиёвиддинов иштирокчиларга лойиҳанинг мақсад ва аҳамияти ҳақида сўзлаб, уларга омад тилади. Шундан сўнг мусобақага старт берилди.

— Ушбу веломарафонда иштирок этаётганимдан жуда ҳам хурсандман, — дейди 138-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Достон Каримов. — Ўзим велосипед ҳайдашни яхши кўраман. Спорт – соғлик гарови, дейишади. Бу каби мусобақалар бизни ҳар томонлама чархлайди. Шу маънода ташкилотчиларга миннатдорлигимни билдираман.

— Бугунги мусобақада мактабимиз ўқувчилари фаол иштирок этмоқда, — дея суҳбатга қўшилди 280-умумтаълим мактабининг Ёшлар иттифоқи етакчиси Насиба Акбарова. — Умуман олганда айтадиган бўлсак, мактабимиз ёшлари туман миқёсидаги ҳар қандай тадбирда ўз маҳоратларини намоён этиб боришади. Спорт билан шуғулланган болажонлар эса ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етадилар.

Қизғин ва муросасиз, кўтаринки руҳда ўтган ушбу мусобақа иштирокчилари маҳоратини Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ходимлари баҳолаб боришди.

Тадбир якунида фаол иштирокчилар ва ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ноила НАБИЕВА

Саломатлик сирлари

ЁЗ ФАСЛИДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИНГ

Ёз фасли ўзининг юқори ҳарорати ва саховатпешалиги билан бошқа фасллардан ажралиб туради. Бу даврда турли мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотлари пишиб етилади.

Ёз кунлари хўл мевалар ва хом ҳолатдаги сабзавот ҳамда улардан қилинган салатлар инсон организми учун энг керакли неъматлар ҳисобланади, чунки бу маҳсулотларнинг кўпчилиги чанқоқни қондиради ва организмни керакли минерал моддалар, витаминлар билан тўлдириб боради. Аммо уларнинг калорияси кам ва тўйимли бўлмаганлиги боис, куни билан организмдан кетган қувватнинг ўрнини боса олмайди. Шунинг учун танамизга доим оқсил моддалари керак бўлади.

Бунинг учун гўшт ва унинг ўрнини босувчи баъзи маҳсулотлар, яъни дуккаклилардан тайёрланган таомлар тановул қилиш лозим. Масалан, қовурилган, ёғли маҳсулотларнинг ҳазм бўлиши анча қийин кечади, шу боис, гўшт маҳсулотларини қайнатилган ҳолатда истеъмол қилган маъқул. Булар мошхўрда, мастава, мошугра, қайнатма шўрва (ёғсиз), манпар ва шунга ўхшаш енгил ҳазм бўладиган таомлардир. Кабоб (шашлик)ни кўпчилик хуш кўради. Лекин кабоб сабзавотдан қилинган салатлар билан, уксус моддасини кам ишлатган ҳолда истеъмол қилинса кўпроқ фойдалидир.

Ушбу фаслда овқатланиш тартибини озгина ўзгартириш лозим. Агар кундалик овқатланиш, яъни эрталабки нонуштани 25 фоиз деб оладиган бўлсак, ёзда нонуштани 10 фоизга кўпайтириш лозим. Чунки эрталабки нонуштада оқсил, ёғ ва углеводлар нисбатан кўпайтирилиши керак. Масалан, сут маҳсулотлари (творог, қаймоқ), сутли чой, сувда пиширилган гўшт, парранда гўшти, тухум, ёнғоқ ва шунга ўхшаш тўйимли маҳсулотларни эрталаб соат 7.00 ларда истеъмол қилиш тавсия этилади. Тушликни эса соат 12.00 га кўчирган ҳолда енгил ҳазм бўладиган, масалан, биринчи овқатга мошхўрда, мастава, манпар, котлет, товуқ, парранда гўштидан қилинган таомлар (сувда ёки парда тайёрланган) тановул қилиш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Бундан ташқари, хом ҳолатдаги сабзавот ва мевалар, улардан қилинган салатлар, бодринг, помидор, пиёз, кўк пиёз, кашнич, укроп албатта, дастурхонда бўлиши талаб этилади. Шунингдек, истеъмол қилинган овқатлар билан бирга, хўл мевалардан қилинган компотлардан ҳам фойдаланиш лозим ва уларнинг таркибида шакар умуман бўлмаслиги керак, ширинликларни ёқтирувчи баъзи кишилар озгина қўшиб истеъмол қилишлари мумкин.

Энди кечки овқатланиш тўғрисида тўхталадиган бўлсак, уни соат 18.00 ларда истеъмол қилиш тавсия этилади. Кечки овқат жуда енгил ҳазм бўладиган суюқ таомлардан иборат бўлиши талаб этилади. Албатта, соат 20.00-21.00 лар ўртасида ошқозонни озгина тўлдириш мумкин. Бунинг учун қатиқ, кефир, олма ва шунга ўхшаш углеводларга бой бўлмаган хўл мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш фойдали. Қолаверса, севимли маҳсулотларимиз ҳисобланган қовун ва тарвуз тушлик вақтида истеъмол қилинса, яхши бўлади. Улар углеводларга бой бўлиш билан бирга, инсонга қувват беради. Яна шундай маҳсулотлар борки, улар чанқоқни босади. Булар бодринг (99 фоизи сув), селдерей, қовун, тарвуз, қулупнай, апельсинлардир. Улар орасида, айниқса, тарвуз чанқоқни кўпроқ босади.

Шунингдек, чанқоқни босадиган ва керакли микроэлемент ва витаминлар билан бойитилган таомлар мавжуд бўлиб, буларга окрошка (қатиқ, қайнатилган тухум ёки гўшт, бодринг ва кўкатлар ишлатилиб тайёрланадиган таом) ва борш (карам шўрва) киради.

Ёзнинг иссиқ кунларида шўр ва дудланган балиқ, консервалар, тузли маҳсулотларни истеъмол қилиш умуман тавсия этилмайди, чунки бу маҳсулотлар чанқоқни кучайтиради.

Иссиқ кунларда чанқоқни сув тез босади. Қайнатиб совутилган уй ҳароратидаги сув 18-24 даражада, минерал сувлар — газсиз ва минерал моддалари кам бўлиши керак. Ҳар соатда 200 мл. сув ичиш тавсия этилади. Қора чой, кўк чой, ўтли чойлар ҳам жуда фойдали. Улар орқали организмга минерал моддалар ва витаминлар кириб боради. Бир кунлик сувнинг меъёри 3 литргача бўлиши лозим, албатта, бу соғлом инсонларга мос келади. Юрак қон-томир касаллиги, буйрак хасталиги бор инсонларга сувни кўп ичиш тавсия этилмайди. Бундай беморлар шифокор назорати остида суюқ моддаларни ичиб юришлари керак.

Шунингдек, шифокорлар юқорида келтириб ўтилган хўл меваларни албатта ювиб, сўнгра истеъмол қилиш зарурлигини тавсия этади.

Бир сўз билан айтганда, бу даврда соғлом ва тетик юришнинг муҳим шартларидан бири — тўғри овқатланиш, кўпроқ суюқлик ва мева шарбатлари истеъмол қилиш ҳамда шахсий гигиена қоидаларига риоя этишдадир.

Ёзнинг бугунги жазирама кунларида шифокор таъкидлаган қоида ва меъёрларга эътибор қаратсак, фарзандларимиз, яқинларимиз ва ўзимизнинг соғлиғимизни ҳимоялаган бўламиз.

Шерзод ЗОКИРХЎЖАЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази директори, профессор
Ирода МАҲМУДОВА,
ушбу марказнинг услубчи ходими

Абитуриент – 2018

ҚАБУЛ ЖАРАЁНИДАГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Барчамизга маълумки, олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тест синовлари жорий йилнинг 1-15 август кунлари ўтказилади. Шу муносабат билан Тошкент давлат юридик университети томонидан Миллий матбуот марказида матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Каньязов давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида университетда қабул комиссияси тузилганлиги ва комиссияга 61 нафар малакали кадрлар жалб этилганлигини таъкидлади.

Ушбу олий таълим масканига 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб бакалавриат таълим йўналишига ҳужжат топшириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлигининг 201 та туман ва шаҳарларида фаолият олиб бораётган давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади. Давлат хизматлари марказларининг абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилувчи ходимлари учун июнь ойида амалий тадбир ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Давлат хизматлари марказлари хорижий давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, 16 ёшга тўлмаган шахслар ва магистратура босқичига топширувчи абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилмайди.

Абитуриентлар 15 июндан 15 июлга қадар давлат хизматлари марказларига мурожаат қилган ҳолда, бакалавриат таълим йўналишига ўқишга кириш учун ҳужжат топширишлари мумкин. Давлат хизматлари марказларига абитуриент томонидан паспорт, ўрта (11-синф) ўрта махсус ёки касб-ҳунар ўқув муассасасини тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжат (иловаси билан) ҳамда агар имтиёзга эга бўлиш имтиёзини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаси тақдим қилинади.

Уларнинг маълумотлари давлат хизматлари маркази томонидан Давлат тест марказларининг махсус "Абитур" базасига киритилади. Ҳужжат топширган ёшлар 29-31 июль кунлари рухсатномасини олиш учун университетнинг қабул комиссиясига шахсан мурожаат этиши лозим. Университет қабул комиссияси давлат хизматлари марказлари орқали абитуриентларга берилган бланкани текширади ва уларнинг паспортидаги биометрик маълумотларни махсус сканер орқали текшириб, бармоқ изларини олади. Сўнгра эса тегишли рухсатномани беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки ўқув муассасаси томонидан қабул жараёни учун бармоқ изларини оладиган махсус мослама сотиб олинган ва юқори технология амалиётга жорий этилади. Бу эса қабул жараёнининг шаффофлигини таъминлаш билан бирга тест синовларининг адолат мезонларига амал қилган ҳолда ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида имтиёзлар ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берилди. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ногиронлиги бўлган абитуриентларга қабул квотасидан ташқари квотанинг 2 фоизи (12 нафар, умумий баллнинг камида 30 фоизини олган бўлса) миқдорида давлат гранти асосида жой ажратилади. Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари бўлган абитуриентларга қабул квотасидан ташқари квотанинг 5 фоизи (30 нафар) миқдорида давлат гранти асосида жой ажратилди.

Хорижий давлат фуқаролари сухбат асосида ўқишга қабул қилинади. Қабул комиссиясига мурожаат қилган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қабул қилиш ва уларни қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб бериш учун фуқароларни қабул қилиш хонаси ҳам ташкил этилган.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Ҳар бир ёш замонавий билимларни пухта эгалласа, ўз касбининг устаси бўлса фарзанди камолига кўз тиккан ота-онасининг юзини ёруғ қилади, мамлакатимиз фаровонлигига ҳисса қўшади. Юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ана шу эзгу муддаога, халқимизнинг азалий интилишлари негизи – баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

БОЛАЛАР ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бу йил илк бор "Ёшлар куни"га бағишлаб байрам тадбирлари, маънавий-маърифий кечалар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Яшнобод туманидаги жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 103-сонли мактаб интернатда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Максудов, мактаб-интернат директори С.Ражабова ва бошқалар мамлакатимиздаги бугунги тинч, осойишта кунлар, ўсиб келаётган ёш авлодга қаратилаётган юксак эътибор, ҳар бир болага кўрсатилаётган меҳр ва эътибор туфайли ёшларимиз замонавий билимларни чуқур эгаллаб, иқтидори, салоҳияти, куч-қуввати билан ҳар жабҳада фаоллик кўрсатибгина қолмай, халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётганини таъкидлаб ўтишди.

Ўсиб келаётган ёшлар қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва кўмаклашишга эътибор қаратиб келадиган "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан спортнинг техник ва амалий турларидан авиамодель, ракетамодель, спортнинг ўқ отиш қуроллари, картинг бўйича кўргазмали намойишлар ташкил этилди. Спорт мураббийлари томонидан маҳорат дарслари ўтказилди. "Кўзмунчоқ" болалар ашула ва рақс ансамбли истеъдодли ёшларининг чиқишлари барчага завқ-шавқ бахш этди.

— "Ёшлар куни"га бағишланган тадбир менга жуда ёқди, — дейди мактаб ўқувчиси Дилфуза Далимова. — Айниқса, концерт дастури, турли спорт кўргазмаси катта таассурот қолдирди. Ўзим сартарошлик ва ошпазликка қизиқаман. Мактабимизда ҳам турли тўгараклар ташкил этилган бўлиб, сартарошлик бўйича билим ва кўникмани бойитиб бормоқдаман. Келажакда хусусий қандолатчилик цехини очиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Ёшларга яратилаётган шароит ва эътибор натижасида шундай мақсад сари ҳозирданоқ интилмоқдаман.

Тадбир сўнгида ёшларга эсдалик совғалари топширилди. Мазкур муассаса ва "Кўзмунчоқ" болалар ашула ва рақс ансамбли раҳбарларига ташаккурнома тақдим этилди.

Ёшларни бирлаштириш, уларни миллий ғояга содиқлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи мазкур тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика тиббиёт коллежи томонидан 2017 йилда Рустамов Неъматиллоҳ Очилбой ўғли номига берилган К № 4891549 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей томонидан Бадалова Ирода Лутфулла қизи номига 2017 йилда берилган L № 315090 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ТСРЎИ томонидан 29.04.2015 йилда № 005614-07 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, "MISS DILAFRUZ" МЧЖ (ИНН 303319889) таъсисчининг 21.06.2018 йилдаги 1-қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Миробод тумани, Авиасозлар 4-мавзе, 5-уй, 45-хонадонда қабул қилинади.
Тел: +99893 575 05-88

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 3.02.2016 йилда № 010723-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "OKAY GREAT MEDIA" ХК (ИНН 303774332) таъсисчининг 29.06.2018 йилдаги 3-қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уйда қабул қилинади. Тел: +99893 547-50-50

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6 июлда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 735

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5313 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345